Ўзбекистон дунёда деҳқончиликнинг энг қадимий маконларидан бири бўлиб, кўп мева ва узум маданий навларининг шаклланиш маркази ҳисобланади. Бу ерда боғдорчилик ва токчилик ҳар доим қишлоқ хўжалигининг анъанавий соҳаси бўлиб келган.

Республикамизнинг тупроқ иқлим шароитлари ҳар хил бўлиши Бухоро ва Хоразм воҳаларида, Фарғона ва Зарафшон водийларида, Тошкент, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бир неча асрлар давомида халқ селекционерлари томонидан маҳаллий шароитларга мослашган, қурғоқчиликка , тупроқ шўрига, иссиққа, касалликларга ва зараркунандаларга чидамли ва бошқа муҳим хусуссиятларга эга бўлган навлар яратилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон ҳудудида Bioversity International /ЮНЕП-ГЕФ “Марказий Осиёда агробиохилмахилликнинг (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аждодлари) *in situ*/on farm шароитида сақлаш ва ундан фойдаланиш” лойиҳаси бўйича ўтказилган кузатишлар маҳаллий мева экин навларнинг шаклланиш ва улар мажмуасининг янгиланиш жараёни ҳозиргача давом этаётганлигини кўрсатди.

Мева экин маҳаллий навлари деҳқонларнинг авлоддан авлодга ўтиб, томорқаларда, фермер хўжаликларида сақланмоқда ва етиштирилмоқда, барқарор қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таъминлашда муҳим омил бўлиб келмоқда.

Қишлоқ аҳолисини дармондори ва микроэлементлар билан таъминлашда мева экинлари маҳаллий навлари асосий манба ҳисобланади. Шу сабабдан томорқаларда маҳаллий навлардан ҳеч бўлмаса 1-2 дарахт ўстириш мақсадга мувофиқдир. Айниқса инсон организмини эрта баҳорда озиқ элементлари билан таъминлашда уларнинг роли беқиёсдир. Чунки қиш фаслида таркибида дармондори ва микроэлементлари етарли бўлмаган озиқ овқат истеъмол қилиш натижасида инсон организмининг бу моддаларга қўшимча эхтиёжи юқори бўлади.

Маҳаллий навларнинг муҳим ўрин тутишига қарамасдан, кейинги йилларда уларнинг йўқолиши кузатилмоқда, ёввойи аждодлари ареалининг қисқариши эса катта ташвиш туғдирмоқда.

Аждодларимиздан мерос бўлиб келган, муҳим генетик фонд ҳисобланган мева экин маҳаллий навларини ва ёввойи ҳолда ўсувчи ёнғоқ мевали турларини сақлаш ва барқарор фойдаланиш бўйича фермерларни қўллаш бутун республика учун долзарб ҳисобланади. Маҳаллий навларни ўзлари ривожланган ва шаклланган ҳудудларда, яъни фермер ва деҳқон хўжаликларида сақлаш мақсадга мувофиқ эканлиги фан ва амалиёт томонидан исбот қилинган. Бу нафақат муҳим генофондни самарали сақлаш, балки ундан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳам фойдаланиш имкониятини беради. Фермерларни ўқитишни ташкил этиш, уларнинг мева экинлари хилма –хиллиги тўғрисида билимларини кенгайтириш муҳим бўлиб уларга ўз боғларида бу экинларни нав мажмуисини бойитишга шароит яратади.

Лойиҳа доирасида 16 – мева кўчатзори ташкил этилиб, улар мустаҳкамланди. Кўчатзорларда саккизта асосий мевали ва ёнғоқмевали экинлардан олма, нок, ўрик, узум, анор, бодом, ёнғоқ, писта кўпайтирилади.

Кўчатзорларда етиштирилган мева экинлари кўчатлари Республика фермерлари орасида тарқатилади ва юқори сифатли кўчатларни тўлиқ тутиб кафолат берилди.


Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:
**“Марказий Осиёда *in situ*/on farm шароитида агробиохилмаҳилликни сақлаш ва ундан фойдаланиш (мевали турлар ва уларнинг ёввойи аждодлари)”** (Ўзбекистон компоненти)
Bioversity International UNEP-GEF
лойиҳасини амалга ошириш Миллий бўлими.
Ўзбекистон Республикаси фанлар Академиясининг
генетика ва ўсимликлар экспериментал
биологияси институти.
Манзил: 111226 Тошкент вилояти,
Қибрай тумани, Юқори-Юз маҳалласи
Тел./Факс: (+99871) 2647801
Эл.почта: abd_uzbek@mail.ru


Расмларда: Тепадаги –Фермер Каримова М.нинг ўрик маҳаллий навлари кўчатзори. Хоразм вилояти, Урганч тумани, Шура, Юқори боғ қ. Пастдаги – Фермер Атоев С.нинг ўрик маҳаллий навлари кўчатзори. Бухоро вилояти, Ромитон тумани, Алишех Калайчарбоғ қ.

**Bioversity International/UNEP-GEF кўмагидаги “Марказий Осиёда агробиохилмаҳилликни (мева турлар ва уларнинг ёввойи аждодлари) *in situ*/on farm шароитида сақлаш ва ундан фойдаланиш” минтақавий лойиҳаси**

# АСОСИЙ МЕВА ЭКИНЛАРИ МАҲАЛЛИЙ НАВЛАРИНИНГ КЎЧАТЗОРЛАРИ





ТОШКЕНТ 2010

# Республика фермер хўжаликларида ташкил этилган асосий мева экин турлари маҳаллий навларининг кўчатзорлари

| № | Фермернинг исми ва фамилияси | Вилоят | Туман | Қишлоқ | Ўстирилаётган нав | Маҳаллий навлар ва шаклларнинг номи | Телефон рақамлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Сатликов Байрамдурди | Қоракалпоғистон | Тўрткўл | Шўрахон | Ўрик | Майский 3, Нукул, Оқ ўрик, Олма ўрик, Кандак чиройли, Нукул сарик, Жамбил, Жавзоки 1, Қизил жавзоки. | +998936149284 |
| | | | | | Олма | Қанд олма, Корвоқ, Недзвецкий, Шойи олма, Қизил олма, Қизил хазарап, Қишқи олма, Ёзги олма. | |
| 2 | Атоев Сафар | Бухоро | Ромитан | Алишех Калайчарбоғ | Узум | Шуваргони, Тойфи, Бишти, Туркмани, Джаус, Оқ хусайни, Келин бармоқ. | +998651905027 |
| | | | | | Ўрик | Субҳони, Кандак, Ялтироқ, Лолача, Бодом ўрик, Шафтоли ўрик, Ирис, Чилдона. | |
| | | | | | Анор | Новоти, Каладони, Қизил анор, Қишқи қизил анор, Юпка пучоқ. | |
| 3 | Турлиев Худойберди | Жиззах | Фориш | Учма | Ёнғоқ | Тош ёнгок, Оқ магиз, Қора магиз, Шакл ФРЖ-91. | +998933084961<br>+998933020217 |
| 4 | Абдуллаев Нурулло | Наманган | Туракурғон | Октош | Узум | Хусайни, Нимранг, Сохиби, Тойфи розовый. | ФХА орқали |
| 5 | Лухмонходжаев Иброхим | Наманган | Уйчи | Уйчи | Олма | Наманган олма (Қизил олма). | +998902785878 |
| | | | | | Анор | Қизил анор, Кай аччик анор, Оқ дона, Аччиқ дона. | |
| 6 | Курбонов Жалил | Сурхондарё | Сариосиё | Дашнобод | Анор | Қизил анор, Кўк анор, Туя-тиш, Шахрисабз. | +998905684528 |
| 7 | Абдурахманов Матлаб | Сурхондарё | Бойсун | Бойсун | Олма | Кирмизи, Келин янок. | +998763936554 |
| | | | | | Бодом | Маҳаллий шакл-6, Шакл-12, Шакл-13. | |
| 8 | Якубов Суюндик | Сурхондарё | Шеробод | Кампиртепа1 | Анор | Оқ дона, Аччиқ дона, Казаки анор, Кай аччик анор, Қизил анор, Кўк анор, Гулоби, Бедона, Дашнобод. | +998762435255 |
| 9 | Мухторов Амин | Самарканд | Ургут | Ургут | Нок | Кузги нашвати, Ургут нашвати, Шакл №1, Шакл № 2. | +83664832374 |
| 10 | Рахимов Ашрабхон | Самарканд | Ургут | Гус | Узум | Туя-тиш, Қора кишмиш, Оқ кишмиш, Қора кулча. | +998669100626<br>+998669374690 |
| 11 | Арипов Сайфутдин | Самарқанд | Самарқанд | Шредер номидаги махалла | Ўрик | Махтоби, Джавпазак, Кандак, Курсадиқ, Оқ ўрик. | Через УзНИИДСВиВ им.Р.Р. Шредера |
| 12 | Йўлдошев Умар | Тошкент | Паркент | Заркент | Олма | Оштархон, Самарканд олма, Холмат бобо, Наманган олма. | 4225536 / 7234103 |
| | | | | | Ўрик | Арзами, Субхони. | |
| | | | | | Бодом | Тожик. | |
| | | | | | Узум | Ризамат, Кишмиш, Самарқанд, Тойфи. | |
| 13 | Рахматов Абдусалим | Тошкент | Бўстонлик | Чорвоқ | Олма | Оқ олма, Сариқ олма, Қизил олма, Чимғон. | +998975484138 |
| 14 | Каримов Хасанбой | Фарғона | Кува | Бузахор | Узум | Тойфи пушти, Хусайни, Каттақўрғон, Андижонли қора. | +998902720289 |
| | | | | | Ўрик | Субхони, Кандак. | |
| 15 | Каримова Малика | Хоразм | Урганч | Шўра Юқори боғ | Ўрик | Майский, Нукул, Нукул қизил, Нукул сариқ, Майский йирик, Октябрьский, Оқ ўрик, Ялтироқ. | +998625329232 |
| | | | | | Олма | Рухи жойи, Хазарап, Карвон, Оқ олма, Шойи олма, Ёзги хазарап, Қишки хазарапский. | |
| | | | | | Нок | Кутир нок, Нашвати, Нок, Юрт шарвати. | |
| 16 | Разиков Урок | Қашқадарьё | Китоб | Тупчак | Узум | Сохиби, Султони, Вассарга, Чумчук тили, Пушти тойфи, Оқ тойфи. | +998753630652 |